

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIЁT VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIЙ ALOQALAR,  
INVESTICIЯLAR VA SAVDO VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT BOJXONA  
QЎMITASINING  
QARORI

**44** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 11-сон, 96-модда) 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сонли қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2013 йил 31 декабрь,  
57-сон

**Г. САИДОВА**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2013 йил 31 декабрь,  
121-сон

**Р. АЗИМОВ**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири****Э. ҒАНИЕВ**Тошкент ш.,  
2013 йил 31 декабрь,  
18-сон**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****З. ДУСАНОВ**Тошкент ш.,  
2013 йил 31 декабрь,  
01-02/8-35-сонЎзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,  
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона  
қўмитасининг 2013 йил 31 декабрдаги 57,  
121, 18, 01-02/8-35-сонли қарорига  
ИЛОВА**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт  
божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод  
қилинадиган технологик жиҳозлар рўyxатига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 13-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

13.	8415 81 001 0, 8415 83 000 9	Саноат кондиционерлари ...
-----	---------------------------------	----------------------------

2. 82-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

82.	8704 10 102 0, 8704 21 100 0, 8704 23 910 1, 8704 23 910 2, 8704 31 100 0 Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган, 8705 (юк кўтариш қоби- ляти 25 тн гача бўлган автокранлардан ташқари ТИФ ТН коди 8705 10 009 0) Евро 3 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган	Юк ташиш ва махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари
-----	---	---